

АҚШ Элчихонасининг Кичик Грантлар Дастури Сўровнома

Ушбу ҳужжатдаги кўрсатмаларни диққат билан ўқиб чиқинг.
Ушбу формада келтирилган йўриқнома ва кўрсатмалар асосида ёзилмаган
сўровномалар кўриб чиқилмайди.

Саволларни қуйидаги э-почта манзилларига юбориш мумкин: TashkentGrant@state.gov ёки
tashkentgrant@gmail.com.

1. УМУМИЙ МАЪЛУМОТ

- 1.1 Ташкилот ҳақида маълумот:
- a) Ташкилот номи (инглизчада):
 - b) Ташкилот номи (рус ёки узбек тилда):
 - c) Манзил:
 - d) Шаҳар/қишлоқ:
 - e) Вилоят/Туман:
 - f) Веб-сайт:
- 1.2 Ташкилот раҳбари
- a) Фамилияси:
 - b) Исми:
 - c) Унвони:
 - d) Телефон:
 - e) Мобил телефон:
 - f) Э-почта манзили:

2. ТАШКИЛОТ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Сизни ташкилотингиз қачон ташкил этилган? Ташкилотингизни энг муҳим ютуқлари нимадан иборат? Ташкилотингиз рўйхатдан ўтганми? Рўйхатдан ўтган бўлса тегишли ҳужжатни ушбу форма билан биргаликда юборинг. Ташкилотингизнинг муҳим ходимлари (3-4 киши) рўйхати билан биргаликда уларнинг қисқа таржимаи ҳоли, яъни таълим ва олдинги ишлаган жойлари ҳақида маълумот беринг.

2.1 Аввал олинган грантлар (АҚШ элчихонасидан)

Сизни ташкилотингиз учун АҚШ элчихонаси, USAID, ёки бирон бошқа АҚШ ҳукумати ташкилотидан грант олинганми? Олинган бўлса, қуйидаги маълумотни бизга юборинг:

- 1) Лойиҳа номи
- 2) Лойиҳа бюджети ва амалга оширилган йили
- 3) Лойиҳанинг энг муҳим ютуқлари нимадан иборат бўлган?

2.2 Аввал олинган грантлар (Бошқа ташкилотлардан)

Сизни ташкилотингиз учун бошқа ташкилотлардан грант олинганми? Олинган бўлса, қуйидаги маълумотни бизга юборинг:

- 1) Лойиҳа номи
- 2) Ташкилот номи
- 3) Лойиҳа бюджети ва амалга оширилган йили
- 4) Лойиҳанинг энг муҳим ютуқлари нимадан иборат бўлган?

3. ЛОЙИҲА ТАВСИФИ

3.1 Лойиҳа ҳақида маълумот

- a) Лойиҳа номи:
- b) Лойиҳа давомийлиги (неча ой):
- c) Бошланиш санаси:
- d) Тугаш санаси:
- e) Лойиҳа бюджети:

3.2 Лойиҳани асослаш:

Лойиҳани асослаш учун қуйида келтирилган саволлардан фойдаланинг.

Лойиҳани амалга оширишдан мақсад нима? Лойиҳа давомида нималарни амалга оширмоқчисиз? Ушбу лойиҳанинг жамоангизга таъсири қандай бўлади? (Лойиҳа ва унинг мақсади ҳақида имкони борича тўлиқроқ маълумотни беришга ҳаракат қилинг. Жойлардаги аҳвол ҳақида маълумотга эга бўлмаган мутахассис сиз тақдим этган маълумот асосида қарор қилиш имкониятига эга бўлиши керак.)

3.3 Лойиҳанинг мақсад ва вазифалари:

Лойиҳа бўйича батафсил иш режасини тузинг. Ушбу иш режасида ҳар бир амалга оширмоқчи бўлган ишингиз кўрсатилган бўлиши керак. Пастда келтирилган мисол асосида

ой ва ҳафта кўринишида бўлган фаолият тақвимини тузинг ва маъсул ходимлар исмини кўрсатиб ўтинг.

Режалаштирилган тадбирлар	Амалга ошириш муддати	Маъсул ходим/ ташкилот
Режалаштириш тадбирлари (учрашувлар, жой, ускуна, ходимлар)		
Иштирокчиларни танлаш (мавжуд бўлса)		
Лойиҳанинг асосий фаолияти		
Хисобот топшириш		
Лойиҳанинг кейинги фаолияти		

3.4 Лойиҳа бўйича қилинадиган ишлар режаси:

Лойиҳа бўйича қилинадиган ишлар режасини тузиш учун қуйидаги саволлардан фойдаланинг.

Ушбу лойиҳа қайси масалани енгиллаштирмоқчи ёки ечмоқчи? Нимага ушбу муаммони ечиш Ўзбекистон учун муҳим ҳисобланади? Лойиҳа муваффақиятга эришишига ишончингиз комилми? Лойиҳанинг қайси жиҳатлари уни муваффақиятли булишига ёрдам беради? Лойиҳа аҳолининг қайси қатламларига таъсир кўрсатади? Сизнингча лойиҳа жамоангизга узоқ муддат давомида қандай таъсир кўрсатиши мумкин? Лойиҳа битганидан сўнг ташкилотингиз грант асосида амалга оширилган фаолиятни қай равишда давом эттиради?

3.5 Лойиҳа ҳамкорлари

Лойиҳа фаолиятини бошқа ташкилотлар билан биргаликда амалга оширасизми? Агарда шундай ташкилотлар бўлса, уларнинг номи ва лойиҳадаги иштироки ҳақида маълумот беринг.

3.6 Лойиҳанинг кучли жиҳатлари ва инновация:

Нимага айнан сизнинг ташкилотингиз ушбу лойиҳани амалга ошириш имкониятига эга? Ташкилотингиз ходимлари билим ва керакли тажрибага эгами? Сиз шу каби лойиҳаларни олдин муваффақиятли амалга оширганмисиз?

3.7 Лойиҳа иштирокчилари ва ходимлари

Лойиҳа учун иштирокчиларни танлайдиган бўлсангиз, танлаш жараёнининг ҳар бир қадамини, ҳамда иштирокчиларни нимага асосланиб танлашингизни тушунтириб беринг.

Лойиҳангизга тренер ёки бошқа бир мутахассисни жалб қилмоқчи бўлсангиз, унинг таржимаи ҳоли, ҳамда нимага асосланиб танлашингиз ҳақида маълумот юборинг.

4. ЛОЙИҲА БЮДЖЕТИ

4.1. Бюджет ҳақида қисқача маълумот:

Тоифаси	Тавсифи/Тафсилотлари	Талаб қилинаётган миқдор
Ходимлар		
Қўшимча харажатлар		
Саёҳат		
Асбоб -ускуналар		
Канцелярия моллари		
Шартномага кўра хизматлар		
Бошқа бевосита харажатлар		
Билвосита харажатлар		
Жами талаб қилинаётган маблағ		
Бошқа ташкилотлар ҳиссаси (пулдан ташқари)		
Лойиҳанинг жами қиймати		

4.2. Бюджет бўйича изоҳ

1. Лойиҳанинг барча харажатлари олдиндан ҳисобланиб чиқиши, ҳамда ҳақиқий бўлиши керак.
2. Лойиҳа бюджетини АҚШ долларидан тузинг. Шу билан бирга, сизга грантни сўмда олишингизни эслатиб ўтамиз. Ҳисобкитобни Марказий банкнинг айирбошлаш курси асосида олиб боринг.
3. Айрим харажатлар қуйидаги бюджет тавсифида тушунтирилиши керак:

А. Асбоб –ускуналар – ташкилотингизга айнан қайси ускуна ва нима учун кераклигини изоҳлаб беринг. Бундан ташқари, 500 АҚШ долларидан ортиқ нархда бўлган ускуна бўйича учта таклиф ва ҳар бир таклиф ёнида компания номи келтирилган бўлиши керак.

В. Ойлигингиз 8 соатлик иш куни учун 300 АҚШ долларидан баланд бўлса, нима учун баландлигини тушунтириб беринг.

С. Агарда ижара қиймати вилоятда 200 АҚШ долларидан ёки Тошкент ичида 400 АҚШ долларидан баланд бўлса, нима учун баландлигини тушунтириб беринг.

4. Бюджет тавсифида ҳар бир ходим бир ҳафтада лойиҳага неча соат сарфлашини кўрсатиб ўтинг.
5. Турли ўтиришлар, маросимлар ва шу каби ўйин-кулгилар тақиқланган. Конференция ва семинарлар давомидаги кофе брейклар асосланиб берилиши лозим ва уларга ажратилган пул грантнинг 10%дан ошмаслиги керак.
6. Агар сизга тегишли бўлса, лойиҳага ташкилотингизнинг ҳиссасини бюджет тавсифила кўрсатиб ўтинг, яъни бу ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин: кўнгилли ишлари, бинодан фойдаланиш, транспорт воситалари, ўқув хонаси учун зарур бўлган жиҳозлар, асбоб-ускуналар ёки дастурдаги тадбир ҳаражатларини ташкилот бюджетидан қоплаш (мисол учун: зални ижарага олиш, эълонларни босиб чиқариш, овқат, йўл учун сарф-ҳаражатлар, ва ҳоказо).

4.2 Бюджет тавсифи: 4.2. Бюджет бўйича изоҳда 3 параграфни кўриб чиқинг ва у ерда келтирилган маълумотни ўрганиб чиқинг.

5. ТАСДИҚЛАШ

Мен ушбу суровномани имзолаётим, айна формада келтирилаётган маълумотлар ўзим билган қадар тўғри, тўла ва аниқ эканини тасдиқлайман.

Сохта маълумотлар ёки даъволар ташкилотимни ҳозирда ва келгусидаги грантлар олишдан маҳрум қилишидан хабарим бор.

Розиман.

Қуйидаги катакка белги қўйиш билан ушбу формада берилган кўрсатмаларни ушбу ҳужжатни тўлдиришдан олдин ўқиб чиққаним ва тушунганимни тасдиқлайман.

Ушбу формада келтирилган кўрсатмаларни ўқиб чиқдим.

Маъсул шахс имзоси: _____

Имзо қўйилган сана: _____